2009 ЙИЛ, 17 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (11.497)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 21 сентябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 16 сентябрь*

**Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган брифинг ўтказилди.**

## БРЮССЕЛДА ЮРТ БАЙРАМЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

Брифингда Бельгиянинг кўплаб ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, Брюсселда жойлашган Европа Иттифоқи, Европарламент, таҳлилий ва тадқиқот марказлари, ушбу давлатда рўйхатдан ўтган дипломатик миссиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилганларга мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар, мамлакатда демократия ва фуқаролик жамиятини мустаҳкам қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, республиканинг сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари, шунингдек Тошкент тарихи, шаҳарнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиётига нисбатан ўз фикрларини билдирдилар.

**«Хонейвэлл» компанияси (АҚШ)нинг Европадаги минтақавий бўлинмаси раҳбари Даниела Пандреа** хоним компания аэрокосмик мақсадларга мўлжалланган маҳсулотларни етказиб беришни таъминлагани ҳолда, қарийб 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистонда фаолият юритиб келаётгани ва "Хонейвэлл" компанияси раҳбарияти ушбу ҳамкорлик натижаларидан бениҳоя мамнун эканини қайд этди.

Шу сабабли ушбу компания Ўзбекистондаги сармоявий фаолиятини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Д.Пандреа хонимнинг сўзларига кўра, "Хонейвэлл" компанияси раҳбариятининг бундай қарорга келиши Ўзбекистонда мавжуд бўлган қулай сармоявий муҳит ҳамда барқарор сиёсий вазият билан изоҳланади.

"Бугунги тадбир Ўзбекистон минтақанинг етакчи мамлакатларидан бири эканини, унинг пойтахти Тошкент эса, барчани ўзига мафтун этишини яна бир бор тасдиқлади", — деди Д.Пандреа хоним.

"Air Baltic" аваикомпаниясининг Брюсселдаги вакили Жюли Саван хонимнинг айтишича, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ўзгаришлар ҳамда шаҳарлар қиёфасининг кўркамлашуви мамлакатга хорижлик сайёҳларни янада кўпроқ жалб этишга муносиб замин ҳозирлайди.

Бугунги кунда авиакомпания Брюсселдан Тошкентга ҳаво қатновини Рига орқали амалга оширмоқда. Шу муносабат билан, Ж.Саван хоним "Air Baltic"нинг "яқин келажакда тўғридан-тўғри ҳаво қатновини йўлга қўйиш орқали Ўзбекистонга борувчи ишбилармонлар, сайёҳлар ва бошқа тоифали йўловчиларга янги имкониятлар очиш" ҳақидаги режаларини маълум қилди.

**А.МУҲАММАДЖОНОВ,**
**"Жаҳон" АА, Брюссель**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 2009 ТОШКЕНТ



**Кўргазмалар**

## ТИББИЁТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «InterMedPharm Uzbekistan—2009» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси, «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — CAITME 2009» ҳамда «Текстиль ва Мода» — «Textile Expo Uzbekistan—2009» Марказий Осиё халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.**

Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасида жаҳоннинг 14 давлатидан 40 дан зиёд компаниялар иштирок этмоқда. Мазкур тадбир республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концерни», «TNT Productions Inc» халқаро кўргазмалар компаниясининг юртимиздаги ваколатхонаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унда Буюк Британия, Германия, Россия, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Қозоғистон, Украина, Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг иштирокчилари ўзларининг энг сўнгги ютуқлари, стомотология жиҳозлари, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда замонавий тиббий хизматларни намойиш этишмоқда. Шунинг баробарида иштирокчилар ўзаро фикр алмашиб ҳамкорликни ривожлантиришни мақсад қилишган. Албатта, тиббиётга замонавий техника ва технологияларни қўллашда, фармацевтика саноати ривожида, аҳолига бугунги кун талаблари даражасида тиббий хизматни ташкил этишда, ўзаро фойдали шартномалар имзоланишида мазкур кўргазманинг роли катта бўлади.

Шунингдек, барчанинг эътиборини қозонаётган «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари— CAITME 2009» ҳамда «Текстиль ва Мода» «Textile Expo Uzbekistan—2009» Марказий Осиё кўргазмалари хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоизки, ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг шериги I.T.E. Exhibitions & Conferences LTD (Буюк Британия) ўтаётган тадбирларнинг ташкилотчиси саналади. Республика Ташқи-иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган бу йилги кўргазмаларда дунёнинг 17 мамлакатидан 176 та компания иштирок этмоқда. Мазкур компаниялар орасида Австрия, Буюк Британия, Италия, Туркия сингари мамлакатларнинг компаниялари ўзларининг ишлаб чиқариш технологик линиялар, хом ашёга ишлов бериш анжом ва ускуналари, эҳтиёт бутловчи қисмлар, бўёқ ва кимёвий воситалар, фурнитура, тайёр тўқимачилик товарлари ҳамда ярим тайёр маҳсулотлари намуналарини намойиш этишмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча ишлаб чиқариш корхоналарининг кўргазмалардаги иштироки ва экспозициялари ташриф буюрувчилар эътирофига сазовор бўлмоқдаки, улар орасида конвейер лентaлари ва ҳаракатлантириш тасмалари ишлаб чиқарувчи «Belting Rezina», тўқимачилик толалари тайёрловчи «VesChem Textile» ва «Guner Tash» корхоналари, шунингдек, «Роал силк», «Водий ипаги», «Чиноз текстайл», «Косонсой тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятлари бор.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«ТУРКИСТОН»** саройида Тошкент тиббиёт академияси биринчи босқич талабалари, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган «Талабаликка бағишлов» тадбири юртимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

✓ **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро жамоат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамкорликларида кенг жамоатчиликнинг атроф-муҳит муҳофазаси борасида бохабарлигини ошириш, экологик маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимиздаги экологик сайт ва порталларнинг тақдимотига бағишланган учрашув уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Ҳамма нарсани билишни ва ўрганишни истайман» шиори доирасида икки кун давом этган «Очиқ эшиклар куни» тадбири якунланди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши борасида жорий йилнинг август ойида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.**

● **«СамАвто» заводида «SamAvto LE 60» автобусининг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди. Автобуснинг узунлиги 7,9 метр, оғирлиги 9,8 тонна бўлиб, йўловчилар сиғими 60 кишига мўлжалланган. Йўловчиларнинг чиқиб-тушишлари учун қулайлик яратиш мақсадида «Kneeling» тизими ўрнатилган.**

● **Бухоро шаҳрида яна бир янги корхона иш бошлади. «Daewoo Textile Bukhara» деб номланган мазкур хорижий корхона 47,5 миллион АҚШ доллари эвазига барпо этилди. У калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ҳозирда корхона цехларида юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.**

● **Урганч шаҳрида Республика ихтисослашган кардиология марказининг филиали иш бошлади. Мазкур янги кардиология марказини қуриш учун икки миллиард икки юз минг сўм маблағ сарфланди.**

● **Республикамизда «Operation Smile» Халқаро болалар ташкилотининг хайрия тадбирлари бошланди. Жаҳоннинг 51 мамлакатида ўз бўлимларига эга бўлган мазкур ташкилот кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг бемор болаларига бепул ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда.**

● **Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти тадқиқотчилари томонидан иқлимнинг Оролбўйи экотизими ўзгаришларига таъсирчанлигининг математик модели ишлаб чиқилди. Ушбу модел минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.**

● **Бухоро шаҳридаги Сомонийлар боғида анъанавий қовун сайли ташкил этилди. Унда 120 га яқин фермер хўжалигида етиштирилган 1100 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, қовуннинг 800 тоннадан зиёд 60 тури намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида «Янги уйғониш даврида илм-фан ва таълим» деб номланган халқаро кўргазма очилди. Мазкур тадбирда дунёнинг ўнта мамлакатидан 30 дан зиёд компания ва фирмалар қатнашмоқда.**

● **Покистоннинг Карачи шаҳрида ўтказилаётган хайрия тадбирида кўнгилсиз воқеа рўй берди. «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, ҳудуд аҳолисига ун тарқатиш чоғида юзага келган ур-йиқит туфайли 20 киши ҳалок бўлган, кўплаб фуқаролар турли даражада тан жароҳати олган.**

● **Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида қўпорувчилик ҳаракати содир этилиб, номаълум кимсалар томонидан шаҳарнинг ҳукумат идоралари ва чет давлатлар элчихоналари жойлашган ҳудуди ўққа тутилган. Отишмалар чоғида икки киши ҳалок бўлганлиги таъкидланмоқда.**

● **«РИА Новости» хабарида айтилишича, Доминикан Республикасида Испаниянинг «Iberia» авиакомпаниясига тегишли йўловчи самолёти фавқулодда қўндирилган. Экипаж аъзоларининг бундай йўл тутишига йўловчилардан бирининг қорни қаттиқ оғриб қолганлиги сабаб бўлган. Бемор текширилганда унинг ошқозонида бир нечта капсулаларда гиёванд модда борлиги аниқланди.**

● **Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ҳар қандай жисмларни учириш тақиқланади. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар тарқатган. Ушбу чеклов мамлакат миллий байрами муносабати билан жорий этилган ва у 15 сентябрдан 8 октябрга қадар амалда бўлади. Мазкур чора хавфсизликни таъминлаш учун татбиқ этилмоқда.**

● **АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Унда юздан ортиқ мамлакат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва турли соҳа мутахассислари иштирок этмоқда. Сессия давомида 160 дан ортиқ масала муҳокама қилиниши режалаштирилган.**

# ЕВРОПАДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

**Ғарб оммавий ахборот воситаларида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Я.Ленарчичнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари ижобий баҳоланмоқда.**

Хусусан, хабарларда ЕХҲТ вакилининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга баҳо берган муносабати келтирилади: "Биз ЕХҲТга аъзо давлат сифатида сўнгги вақтда Ўзбекистонда, хусусан, маҳбусларни қамоқда сақлаш шароитларининг яхшиланиши борасида олиб борилган тадбирларни, бир қанча ҳуқуқ ҳимоячиларининг озодликка чиқарилиши, шунингдек ўлим жазосининг бекор қилиниши каби эришилган ютуқларни мамнуният билан эътироф этамиз.

Бўлиб ўтган музокараларда ҳар иккала томоннинг ҳам Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларига муносиблигини мустаҳкамлаш ишида келгусида биргаликда фаолият олиб боришга тайёр экани аниқ намоён бўлди".

Шунингдек, хабарларда Я.Ленарчичнинг, жорий йилнинг декабрь ойига мўлжалланган парламент сайловларида Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасасининг кузатувчи сифатида иштирок этиш форматини белгилаш учун муассаса стандарт миссияни юборишга тайёр эканини билдирган фикрлари ўз аксини топган.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакат расмий вакиллари билан учрашиб, қонунчилик ижоди жараёнини яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонунларни такомиллаштириш, одам савдосига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ишларини олиб бориш каби жабҳаларда ўз ташкилотининг ёрдам кўрсатиши таклифини илгари сургани таъкидланади.

Жумладан, Европа ОАВнинг хабарларида берилишича, Я.Ленарчич ўзи бошқараётган муассаса фуқаролик жамиятининг фаолияти учун янада яхшироқ шароитлар яратиб беришда ёрдам кўрсатишига тайёр эканлигини изҳор этди.

**"Жаҳон" АА, Париж**



# ТИББИЁТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Шу ўринда алоҳида айтиш жоизки, республикамизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасини енгил саноат тармоғида ҳам яққол кўриш мумкин. Тармоқ ривожида ҳар йили ташкил этилаётган янги корхоналар, фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг техник ва технологик қайта жиҳозланаётгани, хорижий сармоядорлар билан янги-янги лойиҳаларнинг амалга оширилаётганлиги муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топмоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот турлари ортиб бормоқда.

Буни кўргазма иштирокчиларининг ютуқлари, изланишлари яққол исботлаб турибди. Шу боис ҳам кўргазмада иштирок этаётган хорижий компанияларнинг вакиллари ўзбекистонлик шериклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, қатор фойдали шартномалар имзолаш ниятида эканлигини билдиришмоқда. Бу албатта, қувонарлидир.

Бўлиб ўтаётган кўргазмалар БУГУН ўз ишини якунлайди. Ўйлаймизки, у кўзлаган мақсадига эришиб, ҳар томонлама фойдали бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтаётган кўргазмалардан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

Айниқса, мамлакатимизда кучли ҳуқуқий давлат барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигига эришишда юридик хизмат муҳим ролъ ўйнайди. Юридик хизмат кўмагида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалтирилиб борилади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонун устуворлиги таъминланади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларни ҳаётга изчил жорий қилиш, барча хўжалик субъектларининг юридик нормалар ва қоидаларга қатъий амал қилишларини таъминлаш маданий-маърифий бозорни шакллантиришнинг мажбурий шартидир", — деб таъкидлаган эдилар. Шу ўринда айтиш жоизки, юридик хизмат, аввало, миллий қонунчилик базасининг сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилишига, қонун устуворлигининг оқилона таъминланишига хизмат қилиб, жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, ривожланиш жадал одимлаётган бугунги кунда юридик хизматнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, мустақиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани боис, йилдан йилга хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайиб, юридик хизмат кўрсатадиган объектлар қамрови ҳам ортиб бормоқда. Бу эса юридик хизмат ходимларини билим ва тажрибаларини янада мукаммаллаштириш, касб маҳоратини ошириш, илмий салоҳиятини юксалтиришни тақозо этади. Шунингдек, бундай пайтда юридик хизмат ходимлари янги чиққан қонун ва қарорлардан хабардор бўлибгина қолмай, билимларини ошириб бориши лозим бўлади.

## Қарор ва ижро

# ЮРИДИК ХИЗМАТ — ДАВР ТАЛАБИ

**Ҳозирги тараққиёт шиддат билан одимлаётган тезкор замонда барча жабҳаларда янгиликлар, ўзгаришлар рўй беришини даврнинг ўзи талаб этади. Бунда ҳар бир соҳа ходими янгиликлар ва ўзгаришлардан хабардор бўлиши ва уни амалиётга татбиқ этишда кўпроқ билим ва тажрибага таяниши зарурати туғилади.**

2007 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор мақсадига кўра "Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган бўлиб, у 2008 йил 1 январдан бошлаб амалда татбиқ этилиши назарда тутилган. Унда юридик хизмат ходимларини касбига муносиблик даражасини холисона баҳолаб, уларнинг билимларини чуқурлаштириш ва янгилаш, зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш каби масалалар белгиланган. Хусусан, аттестация тартибига кўра, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида юридик хизмат ходимлари ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши лозим бўлиб, бу жараён маълум қоидалар асосида амалга оширилади. Юридик хизмат аттестациясидан ўтганлиги тўғрисида берилган гувоҳнома беш йиллик муддатга эга бўлиб, улар шу йиллар оралиғида камида бир марта малакасини ошириши керак бўлади. Чунки амалиётнинг назарий билимлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб борилиши ходимлар фаолиятида ижобий натижа бериши аниқ ҳолдир. Юридик хизмат ходимининг билим савиясини ошириш, ишга бўлган муносабатини ўзгартириш, ҳуқуқий ҳужжатларни илмий жиҳатдан чуқур ўргатиш, уларни фаолиятда қўллаш, аҳолини ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда қонунлардан фойдаланиши, давлат томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни аҳоли орасида тарғиб этиш, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар, муомала маданияти ва ҳоказо каби тушунчаларга ходимлар малака ошириш давомида яна бир бор эга бўладилар. Қонун нормаларини чуқур ўрганган, ҳуқуқий билими, ҳуқуқий дунёқараши шаклланган, касбий маҳорат ва тажрибаси юксалган ходим келажакда ўз касбининг салоҳиятини юксалтиришга қодир.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларни таъминлашнинг ҳуқуқий базаси юридик хизмат билан боғлиқ ҳолда талқин этилган. Бу каби ислоҳотлар самараси юридик хизмат ходимларининг билим ва тажрибаларида, изланишларида ва натижада эришилаётган ютуқларда намоён бўлмоқда.

**Зафар ОЛИМОВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи**

## «Келажак овози — 2009»

# ИЗЛАНУВЧАН ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВИ

**Ёшлар ижод саройида «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси К.Бекназаров, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни янгилаш ва янада демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги тобора юксалиб бораётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим масканларини барпо этиш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш борабарида иқтисодиётнинг реал сектори учун зарур мутахассис кадрларни етказиб беришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ижодий-интеллектуал қизиқишига монанд касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Юртимизда турли ижодий беллашувлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, ижтимоий лойиҳалар ўтказилиши изланувчан ёшларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови йигит-қизлар иқтидорини юзага чиқаришга йўналтирилган ана шундай лойиҳалардан.

Бу йилги кўрик-танлов архитектура ва дизайн, ахборот коммуникацияси ва технологиялари, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар, анъанавий бадиий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича ўтказилмоқда. Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида беш мингга яқин ўғил-қиз иштирок этди. Улардан ғолиб деб топилган ўн саккиз нафар иштирокчи ижодий беллашувнинг республика босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

– Танловда ёшлар ҳаёти, фаолияти, уларнинг қизиқиши, орзу ва интилишларига оид туркум ижодий ишларим билан иштирок этяпман, – дейди танлов ғолибаси Д.Исматова. – Президентимиз томонидан ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик биз, ёшларнинг янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз учун куч-ғайрат бағишлайди, янги ижодий марралар сари руҳлантиради.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

**XXI аср — Тараққиёт асри, ахборот-коммуникацион технологиялари жадаллик билан ривожланаётган аср сифатида тарихда қолиши, шубҳасиз. Чунки ҳозирда тараққиёт ривожини ахборот-коммуникацион технологияларисиз тасаввур этиш амри маҳол. Ҳар бир соҳага ахборот-коммуникацион технологиялари жадаллик билан кириб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.**

## Тадбирлар

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Куни кеча шаҳримизда БМТ Тараққиёт Дастурининг ҳудудий ваколатхонаси ташаббуси билан «Очиқ эшиклар куни» мавзуида нашриётлар ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида медиа брифинг уюштирилди.

Ушбу тадбир оммавий ахборот воситалари ходимларини БАТ Тараққиёт Дастурининг Ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасидаги ташаббуслари, лойиҳалари, режалари, жумладан, «Ўзбекистонни ривожлантириш учун Ахборот-коммуникацион технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон ҳукуматига кўмаклашиш» лойиҳасининг фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Маълумки, яқин кунларда ташкиллаштириладиган «Ахборот-коммуникацион технологиялари» ҳафталиги — «INFOCOM — 2009» доирасида Миллий Саммит, семинарлар, конференциялар бўлиб ўтади. «Очиқ эшиклар куни» тадбири қатнашчилари Германия, Корея, Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Чехия, Ўзбекистон мамлакатларининг 400 га яқин делегатлари иштирок этадиган «INFOCOM — 2009» ҳафталиги доирасидаги Миллий Саммит, конференцияларга пухта тайёргарлик кўриш зарурлигини таъкидладилар. Чунки ушбу анжуманда қатнашадиган мутахассислар Ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ҳозирги кундаги ҳолати, янги ютуқлари билан танишадилар, барқарор ва ишончли шериклар билан музокаралар олиб борадилар. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмаклашиш» лойиҳасини ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш ёшлар салоҳиятини, умумий хабардорлигини ошириш, давлат ва хусусий ҳамкорликни янада кучайтириш, Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳуқуқий асосни яратиш, электрон тижорат, электрон соғлиқни сақлаш, электрон таълим бўйича амалга оширилган ишларни шарҳлаш ва келгуси режаларни белгилаш мақсадида ташкил этилаётган ушбу анжуман самара беришига шубҳа йўқлиги тадбир қатнашчилари томонидан эътироф этилди.

**Инобат КОМИЛОВА**

## Алоқа

# БАНКНИНГ ЯНГИ ШОХОБЧАСИ

**Кейинги йилларда пойтахтимиздаги телефон боғламаларида кенг кўламли техникавий жараёнлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада Миробод телефон боғламасига қарашли 257-258-автомат телефон станцияси жамоаси ҳам қатор ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бу ерда А.Т.«Алоқабанк» нинг шохобчаси очилгани эса, Сергели туман аҳолисига яхши қулайлик бўлди. Яратилган бу қулайлик пластик карталаридаги пулларни мазкур шохобчанинг ўзидан олиш билан бирга турли тўловларни ҳам пластик карталар орқали тўлашда ҳам қўл келмоқда.

# КЎП ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали ўзининг кўп йиллик тарихига эга.**

Унга ўрнатилган эриксион русумидаги биринчи телефон станцияси бор-йўғи 200 та рақамдан иборат эди. 1914 йилга келиб эса Тошкентда телефон алоқасидан 942 нафар мижоз фойдаланганди. Бугунги кунда аҳолининг телефон алоқаси хизматига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмоқда. Ҳозир филиал абонентлари сони 600 минг нафардан ортиб кетди.

# МАТБУОТ ДЎКОНЛАРИ ТАНЛОВИ

**«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясида жами 1113 та ихтисослашган матбуот дўконлари мавжуд.**

Шулардан 334 тасида компания ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар. Ижарага берилган дўконларда ҳам савдо ишлари кенг йўлга қўйилган. Тошкент шаҳридаги матбуот дўконлари орасида ўтказилган ўзаро мусобақа ҳам истеъмолчиларга даврий нашрларни тез ва сифатли етказиб беришда муҳим омил бўлди.

## Маънавият

# МАРКЕТИНГ НАШРЛАР

**Тошкент автомобиль йўллари институтининг «Маркетинг» кафедраси томонидан босмага тайёрланган ўқув адабиётларидан республикамиздаги олий ўқув юртларида кенг фойдаланилмоқда.**

«Маркетинг назарияси», «Маркетингни бошқариш», «Маркетинг» деб номланган ўқув қўлланмаларни босмага тайёрлашда транспорт корхоналарида олиб борилган тузатишлар қўл келди.

«Ўзбекистон автомобиль транспортида маркетинг асослари», «Биржа ва биржавий фаолият» китоблари эса Санкт-Петербург техника университети томонидан чоп этилди.

# МУҲИМ ТАРБИЯВИЙ ВОСИТА

**«Истеъдод» жамғармасида ташкил этилган семинар-тренинг «Юксак маънавиятли шахсга қўйиладиган талаблар» деган мавзуга бағишланди.**

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан уюштирилган бу тадбирда талаба ёшларда маънавий камолотни шакллантиришда хотин-қизлар кенгашларининг тутган ўрнига доир маърузалар тингланди.

Олий ўқув юртлари хотин-қизлар кенгашлари учун тавсиялар ҳам тақдим этилди.

**Акбар АЛИЕВ**

